

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги 3221-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги 948-сонли қарорига мувофиқ, ўзининг темир йўлларига эга бўлган темир йўл транспорти ходимларининг темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлашга оид малака даражаларини мунтазам равишда ошириб боришларини таъминлашга йўналтирилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг кадрлар таркиби, ушбу юридик шахсларнинг ходимлари малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтганликлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотлар базасини шакллантириш ва марказлаштирилган ҳолда юритиш йўли билан, ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари

тўғрисидаги ахбортларни тизимлаштириш ва тегишли ҳисобини юритишни таъминласин;

икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхона ва ташкилотлар ушбу қарор билан белгиланган темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг муддатлари ва ўтказиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Д.Б. Ахмедов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош вазири**

**А. Арипов**